

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Fil.21.01РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**ИМАМОВА ХОЛИДА КАМАЛОВНА**

**ТУРК ТИЛИДА ҲУРМАТ КАТЕГОРИЯСИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017 йил**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation  
abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological sciences**

<b>Имамова Холида Камаловна</b> Турк тилида ҳурмат категорияси.....	3
<b>Имамова Холида Камаловна</b> Категории вежливости в турецком языке.....	21
<b>Imamova Holida Kamalovna</b> The category of politeness in Turkish language.....	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**ИМАМОВА ХОЛИДА КАМАЛОВНА**

**ТУРК ТИЛИДА ҲУРМАТ КАТЕГОРИЯСИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017 йил**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fil7 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Содиқов Қосимжон Позилович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Қуранбеков Аҳмаджон**  
филология фанлари доктори, профессор

**Холманова Зулҳумор Турдиевна**  
филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_» «\_\_\_\_\_» 2017 йил соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16- уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16- уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Маннонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор.

**Қ.Ш. Омонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент.

**А. Куранбеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор.

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги маданий тараққиёт, ижтимоий-сиёсий ўзгариш жараёнлари тилда ўз ифодасини топади. Тил кишилар ўртасидаги муҳим алоқа-муносабат воситаси бўлиши билан бир қаторда, миллий қадриятлар, маданий тараққиёт даражасига оид қарашларни, тил соҳибининг хис-туйғуси, воқеликка, ўзга шахсларга, жамиятга муносабатини ҳам акс эттиради. Кишилиқ тараққиётида мулоқот қанчалиқ зарур бўлса, модал муносабатларни, хис-туйғу, руҳий ҳолатни ифодалаш шу даражада аҳамиятлидир.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан буён чет тилларнинг назарий асосларини тадқиқ қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Чет тилларни ўрганиш, тадқиқ этиш шу мамлакат тарихи, маданияти ҳақидаги билимларни бойитади, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини кенгайтиради. Ҳурмат категорияси ментал муносабатларга доир тушунчалардан бири бўлиб, инсон омили, маънавияти билан боғлиқ. «Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак»<sup>1</sup>. Демак, ҳурмат категориясининг ифодаланишини ўрганиш муҳим вазифа саналади. Сабаби, жамият вакиллари лисоний воситаларни қўллашдаги хусусиятлари ва маданий-ижтимоий омиллари ўзига хосликларга эга бўлиб, бу жиҳатлар мулоқотни тўғри ташкиллаштириш ва муомала жараёнидан кўзланган мақсадга эришишда муҳим аҳамият касб этади. Турк тилида ҳурмат категориясини тадқиқ қилиш, «ҳурмат» концептини шакллантирувчи асосий сатҳлар ва таркибий қисмларни аниқлаш, уларни вужудга келтирувчи омилларни белгилаш, миллий-маданий, тарихий ментал хусусиятларни ёритиш тилшуносликнинг долзарб вазифаларидан биридир.

Дунё тилшунослигида ҳурмат тушунчаси бевосита инсон омили билан боғлиқ бўлиб, ижтимоий муносабатлар, нутқий фаолият, мулоқот вазияти, миллий-маданий қадриятларга уйғун равишда намоён бўлади. Ҳурматнинг тил тараққиёти, коммуникатив муносабат билан боғлиқлиги, ифода шакли ва намоён бўлиш хусусиятларига эга эканлиги бу тушунчани категория сифатида ўрганишни тақозо этади. Турк тилидаги ҳурмат категорияси тилшуносликда яхлит ҳолда, монографик планда ўрганилмаган. Ҳурмат категориясини тадқиқ қилиш назарий ва амалий жиҳатдан ҳал қилиниши муҳим бўлган масалалардандир.

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 8 июлдаги ПҚ-2204-сон «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тузилмасини янада мақбуллаштириш ҳамда Республика академик илм-фан ва олий таълимнинг интеграциясини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти

---

<sup>1</sup>Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 29- б.

университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Турк тилида айнан хурмат категорияси тадқиқига бағишланган иш бажарилмаган. Аммо, туркологиядаги хурмат категорияси тадқиқи чет эллик олимлар А. Баскаков, К. Грөнбек, Х. Джевдет-заде, К. Демиржи, А. Кононов, Г. Кучукбасмажи, С. Соколов, Г. Саттаров, Г. Садвақасов, А. Шчербак, М. Ряснен, Г. Дёрфер, В. Радлов, Ч. Айнач, Р. Айсевер, Э. Бажанли, У. Демиржан, Г. Дўған, А. Канмаз, Л. Ўқтар, И. Ўнурсал, К. Вейселларнинг ишларида қисман амалга оширилган<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup>Баскаков А. Предложение в современном турецком языке. – М.: Наука, 1984. – С. 199; Джевдет-заде Х., Кононов А. Грамматика современного турецкого языка. – Л., ЦИК СССР Ленинградский Восточный Институт имени А.С. Енукидзе, 1934. – С. 268; Кононов А. Грамматика современного турецкого литературного языка. – М.–Л.: АН СССР, 1956. – С.173–263; Demirci K. Toplumsal Yapıların Saygı İfadesi Formlarında Dile Yansıması // Milli Folklor, 2006, Yıl 18, Sayı 68, – S. 38–45. Сайт: <http://www.millifolklor.com>, Küçükbasmacı G. Selamlaşma Sözlere Açısından Manas Destanı. Turkish Studies International Periodical For The Languages, Literature and History of Turkish or Turkic Volume 10/8 Spring 2015, p. 1691. DOI Number: <http://dx.doi.org/10.7827/TurkishStudies.81442>, ISSN: 1308-2140, Ankara-Turkey; Соколов С. Категория числа в турецком литературном языке и её взаимосвязь со смежными лексико-грамматическими категориями. // Советская тюркология №4, 1970. –С.71; Саттаров Г. Отчества и категория вежливости-почтительности в современной татарской антропонимии. // Советская Тюркология. – Баку, 1975. №1. –С. 80–86; Садвақасов Г. Формы вежливости в диалектах уйгурского языка // Тюрское языкознание. Материалы III. Всесоюзной тюркологической конференции. – Т.: Фан, 1985. – С. 77–80; Шчербак А. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (глагол). – Л.: Наука, 1981. – С.85–91.; Grönbeck K. Türkçenin Yapısı. Çeviren: Akalın M. Türk Dil Kurumu Yayınları. – Ankara, 1995. – S. 63; Радлов В. Опыт словаря тюркских наречий, I–IV. СПб. 1893–1911; p.s. о слове хан- 11; – С. 1662; Rasanen M. Versuch eines etimologischen Wörterbuchs der Türk Sprachen.– Helsinki, 1969. – P. 154,219. Doerfer G. Türkische und Mongolische Elemente im Neupersischen, 1, 1963; 11 1965; III, 1967, Wiesbaden. p.s. основе хан III книга. –С. 141–183.; Veysel K. Söz-Eylem Kuramı Açısından Türkçe’de ‘Sen-Siz’ Söylemi Üzerine Bir Alan Çalışması. Doktora Tezi. – İstanbul, 1993.S. 230.; Aynaç Ç. Türkçe’de Boş Art gönderim Söylem-Edimbilimsel İşlevleri. Doktora Tezi. – İstanbul, 2008.S. 231.; Aysever R. L. Anlam Sorunu. Felsefe Tartışmaları, 20.Kitap, Aralık 1996. S.70-79.; Onursal İ. Türkçe Metinlerde Bağdaşıklık ve Tutarlılık. Günümüz Dilbilim Çalışmaları, Yayına Hazırlayanlar; Prof. Dr. A. Kıran, Doç. Dr. E. Korkut, Dr. S. Ağildere, – İstanbul: Multilingual Yayınları, Dilbilim Dizisi. 2003. S.121-132.; Doğan G. Buyurmayan Buyrum Tümceleri. VIII. Uluslararası Türk Dilbilimi Konferansı Bildirileri; 7-9 Ağustos 1996. – Ankara, 1997.S.249-256.; Oktar L., Yağcıoğlu S. Türkçede Konuşma Yapısı ve Anlam Kayması. VIII. Uluslararası Türk Dilbilimi Konferansı Bildirileri; 7-9 Ağustos 1996. – Ankara, 1997.-S. 331-345.; Demircan Ö. Türkçede Nedenli Gösteriler; Yansımalarda Anlamlama. VIII. Uluslararası Türk Dilbilimi Konferansı Bildirileri; 7-9 Ağustos 1996. S. 191-206.; Demircan Ö. Gizil Anlatım Bilgisel Bir Süzgeç mi?, Türk Dili Dergisi sayı 88, Ocak-Şubat, 2002. C.15, S. 88.; Bacanlı E. Türkçedeki Dolaylılık İşaretleyicilerinin Pragmatik Anlamları. Modern Türklük Araştırmaları Dergisi, Cilt 3, Sayı 1 (Mart 2006), Mak # 5. S.35-47.– Ankara Üniversitesi, Dil ve Tarih, Coğrafya Fakültesi, Çağdaş Türk Lehçeleri ve Edebiyatları Bölümü.; Kanmaz A. Fransızcanın Yabancı Dil Olarak

Бугунга келиб, туркологияда ҳурмат категориясини ўрганиш масаласи дунё туркологиясининг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Кейинги йилларда туркологияда ҳурмат категориясининг тадқиқи борасида Ўзбекистон туркология мактабида ҳам катта тажриба тўпланди. Ўзбек тилшунослари А. Ғуломов, Ш. Раҳматуллаев, К. Назаров, А. Ҳожиёв, С. Усмонов, Р. Қўнғуров, Ё. Тожиёв, Р. Икромов, Ғ. Зикриллаев, Б. Юсупов, С. Мўминов, Х. Ҳожиёва, Ш. Содиқова ва бошқаларнинг тадқиқотлари шулар жумласидандир<sup>3</sup>.

Турк тилида ҳурмат категориясига бағишланган айрим фикрлар ўртага ташланган бўлса-да<sup>4</sup>, ҳурмат категориясини юзага келтирувчи ижтимоий омиллар, унинг лингвистик воситалари, ўзига хос услубий хусусиятлари, қўлланиш ўринлари ва даражаси, ҳурмат англатувчи матн стилистикаси, уларнинг компонентлари, тил бирликларининг танланиш масаласи атрофлича ўрганилган эмас. Ҳурмат категорияси билан боғлиқ лингвистик жараёнлар тизимли равишда тадқиқ этилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий тадқиқот ишлари режасининг «Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшуносликнинг назарий масалалари», «Шарқ тиллари семантикаси ва семасиологияси масалалари», «Шарқ тилларини ўқитиш методикаси», «Шарқ тиллари услубшунослиги: тилнинг функционал қатламлари» мавзусидаги илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** турк тилида ҳурмат категориясини юзага келтирувчи ижтимоий омилларни асослаш, ҳурматни ифодаловчи морфологик, лексик ва синтактик воситаларнинг қўлланилиши, ҳурмат ифодалаш ўрни, ҳурмат категориясининг услубий-семантик

---

Öğretiminde Red Sözedimi va Kültürlerarası Nezaket. Turkish Studies-International Periodical For The Languages, Literatur and History of Turkish or Turkic Volume 8/10 Fall 2013. –P. 343-353, Ankara-Turkey.

<sup>3</sup>Ғуломов А. Ўзбек тилида кўплик категорияси. – Т., 1944. – Б. 56; Раҳматуллаев Ш. Ҳурмат формаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1973. №1. – Б. 28–30; Назаров К. Притяжательные аффиксы узбекских народных говорах: Дис...канд.филол.наук. – Т., 1963; Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. – Т.: Ўқитувчи, 1979. 26- б.; Усмонов С. Ўзбек тилида сўзларнинг грамматик формалари // Низомий номидаги ТДПИ илмий асарлар. – Т., 1964. 42-китоб. 126–127- б.; Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Т.: Фан, 1980. 165- б.; Тожиёв Ё. Ўзбек тили морфемикаси. – Т.: ТошДУ, 1992. 68- б.; Икромов Р. Ўзбек тилида отларнинг синтетик, аналитик ва функционал формалари. – Т.: Фан, 1985. 120- б.; Зикриллаев Ғ. Фельнинг шахс, сон ва ҳурмат категориялари системаси. – Т.: Фан, 1990. – Б. 111; Юсупов Б. Местоимения в староузбекском литературном языке (XV-XVII вв.). – Т.: Фан, 1991. – С. 147; Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри...дисс. – Т.: 2000. – 235 б.; Ҳожиёва Ҳ. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти: Филол.фанлари номзоди...дисс. – Самарқанд, 2001. 130 б.; Содиқова Ш. Ўзбек тилида ҳурмат маъносининг ифодаланиш усуллари. Филол.фанлари номзоди...дисс. – Т., 2008. – 140 б.

<sup>4</sup>Korkmaz Z. Türkiye Türkçesi Grameri. Şekil Bilgisi. – Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, 2007. – S. 1224; Ergin M. Türk Dil Bilgisi. – İstanbul: Bayrak Basım/Yayım/Tanıtım, 2008. – S. 407; Gencan T.N. Dilbilgisi. – İstanbul: Fen Fakültesi (Döner Sermaye) Basımevi, 1971. – S. 502; Demircan Ö. Türkiye Türkçesinde Kök ve Ek Bileşmeleri.– Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, 1977. – S. 126; Hatiboğlu V. Türkçenin Ekleri. – Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, 1974. – S. 173.

имкониятларини илмий тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

турк тилида ҳурмат категориясининг ифода воситаларини тасниф ва тадқиқ этиш;

морфологик воситаларнинг ҳурмат ифодалашдаги ўрнини ёритиш, услубий хусусиятларини аниқлаш;

ҳурмат ифодалашдаги лексик-семантик усул ва услубий хусусиятларининг аҳамиятини, ҳурмат маъносини рамзий тарзда ифодаловчи лексик бирликлар семантикасини тавсифлаш;

синтактик воситаларнинг ҳурмат ифодалашдаги ўрнини кўрсатиш, ҳурматнинг синтактик усулда ифодаланишида ундалмалар, киритма конструкцияларнинг қўлланилиш даражасини асослаш;

турк мақолларида ҳурматнинг ифода усулларини далиллашдир.

**Тадқиқот объектини** турк тили грамматикасидаги ҳурмат категорияси ташкил этади.

**Тадқиқот предмети.** Турк тили грамматикасининг ҳурмат категорияси таркибига кирувчи морфологик, лексик-семантик ва синтактик услубий хусусиятлари, ифода этиш усулларининг ўзига хос функционал жиҳатларини ўрганиш тадқиқот предмети ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тавсифий, компонент таҳлил, қиёсий-типологик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

турк тилида ҳурматни юзага келтирувчи лексик-семантик, морфологик, синтактик воситалар аниқланган ва уларнинг услубий хусусиятлари очиқ берилган; бадиий асарлар, сўзлашув услуги, расмий ҳужжатлар асосида ҳурматнинг алоҳида категория эканлиги исботланган;

ҳурмат ифодаловчи бошқа грамматик вазифадаги (нокатегориал) бирликлар ажратилган, уларнинг семантик-стилистик, функционал ҳурмат ифодалаш асосланган;

ҳурмат маъносини ифодаловчи лексемаларнинг семантик тараққиёти, семалари ажратилиб, бадиий асарларда ҳурмат ифодаловчи янги маънолари аниқланган, олмошларнинг маъно зидлигини таъминловчи стилистик жиҳатлари очилган ҳамда қариндош-уруғчилик атамаларидаги ҳурмат маъноси, шунингдек, ҳурматни ифодалашда турк тилининг бошқа тиллар билан ўзаро ўхшаш ва фарқли томонлари далиллаб берилган;

ҳурмат ифодалашнинг синтактик воситалари, ундалма, киритма конструкциялар орқали берилиши исботланган;

ҳурматнинг синтактик воситалар орқали пресуппозиция асосида реаллашуви мақолларнинг семантик, структур жиҳатлари таҳлили мисолида далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Диссертация ишининг амалий натижалари қуйидагилар билан белгиланади:

турк тилида ҳурматни ифодаловчи морфологик, лексик-семантик, синтактик воситалар ва уларнинг услубий хусусиятлари; ҳурмат ифодаловчи бошқа грамматик вазифадаги (нокатегориал) бирликлар,

уларнинг семантик-стилистик, функционал хусусиятлари; тилшуносликда ҳурмат ифодаловчи восита сифатида қайд этилмаган синтактик воситалар, ундалма, киритма конструкциялар; мақолларнинг семантик, структур жиҳатлари; ҳурматни ифодалашдаги ўрни исботлаб берилган.

Тадқиқот материалларидан турк тили грамматикаси, фонетика, лексикология ва стилистика масалаларини ёритишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилигини ҳозирги турк ёзувчиларининг асарлари, хусусан, турк ёзувчиси Р.Н. Гунтекиннинг «Çalıkuşu» романи, «Sönmüş yıldızlar» тўпламига кирган асарлари, М. Эзгунинг «Zıkkımın Kökü» романи, шунингдек, У.А. Аксўй томонидан нашрга тайёрланган «Atasözleri ve deyimler sözlüğü» китоби, Турк тил қуруми томонидан чоп этилган «Türkçe Sözlük», «Büyük Lugat ve Ansiklopedi» луғатлари, дипломатияга оид расмий матнларнинг асл нусхаларидан олинган фактик материаллар орқали асослаш мумкин. Шунингдек, тадқиқот йўналиши ва илмий изланиш моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, танланган тадқиқот методлари диссертация натижаларининг ишончлилигини таъминлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турк тилшунослиги, туркий тилларнинг қиёсий грамматикаси, тил тарихи, нутқ услублари бўйича илмий тадқиқотлар яратиш, монографиялар, олий ўқув юртлари ва лицейлар учун дарслик, қўлланмалар ёзишда ишнинг илмий материали, назарий хулосалари ҳамда фактик материалларидан кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқотдаги хулосалар, олий ўқув юртларида «Асосий ўрганилаётган тил (турк тили)», «Турк тили амалиёти», «Қиёсий тилшунослик», «Турк тили нутқ маданияти», «Турк тили лексикологияси», «Турк тилининг назарий грамматикаси» сингари назарий ва амалий йўналишдаги фанлар ва махсус курсларни ўқитишда материал бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Турк тилида ҳурмат категориясининг тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

тадқиқот илмий натижаси 5120100–Филология ва тилларни ўқитиш таълим йўналиши учун мўлжалланган «Asosiy o'rganilayotgan til (Turk tili)» ўқув қўлланмасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, рўйхат рақами № 128-078). Ўқув қўлланмадаги лексик-фразеологик, морфологик бирликларнинг ўзига хос хусусиятларини ўқитишда асос бўлган;

Туркия Жумҳуриятининг Тошкентдаги Элчихонаси томонидан 2017 йил 9 февраль куни ўтказилган «Тил ва маданият» мавзуидаги дастурда «Ўзбек ва турк мақолларида ҳурматнинг ифодаланиши» номли маърузасида турк ва ўзбек тилида ҳурматни ифодаловчи мақоллар қиёсланиб, мисоллар ёрдамида таҳлил этилган (Туркия Жумҳуриятининг Тошкентдаги Элчихонасининг 2017 йил 10 февралдаги 71-сон

маълумотномаси). Илмий хулосалар турк халқ оғзаки ижодида ҳурмат ифодаланишининг воситали (образлилик) томонларини очиб беради;

ҳурмат категориясида расмий ҳурматнинг ифодаланиш йўллари Ф-1-136 «Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий ҳужжатларнинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрни (дипломатика, сфрагистика, палеография ва матн интерпретацияси масалалари)» (2012–2016) мавзуидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида турк тилида ҳурмат категориясининг ифодаланиш шакллари, ҳурматнинг ҳаракат ва рамзларда акс этиши, лексик ва грамматик меъёрларнинг расмий услуб дискурсида юзага келиши билан боғлиқ илмий-назарий хулосалардан фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2016 йил 7 октябрдаги ФТК-03-13/660-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши турк тилида мулоқот маданияти, дипломатик доиралардаги тил бирикларининг хусусиятларини аниқлаш имконини беради;

Туркия Жумҳурияти Бош Вазир девони ҳузуридаги Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги – ТИКАнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси томонидан илмий-маданий соҳада амалга оширилаётган фаолиятлар доирасида ташкил этилган «Турк тили ва адабиёти» номли ўқув курсида турк тилида ҳурмат ва эҳтиромни ифодалаш шакллариининг расмий доираларда юзага келиш усуллари, лавозим ёки даражани кўрсатувчи сўзлар билан мурожаат қилиш шакллариининг ишлатилиши, соф расмий ҳурмат ва самимий расмий ҳурматнинг ифодаланиши акс этган (Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлигининг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси маълумотномаси). Тадқиқотлардаги илмий маълумот ва назарий хулосалар илмий, маданий, лисоний алоқаларнинг ривожланишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро илмий конференцияда «Ўзбек ва Шарқ халқлари адабиётида эпик анъана: миллий талқин масалалари» (Тошкент, 2014); «Истоки и эволюция литератур и музыки тюркских народов» (Казань, 2014); «Глобал олий таълим тизимида илмий тадқиқотларнинг замонавий услублари» (Навоий, 2015); «23<sup>rd</sup> Annual Central Eurasian Studies Conference» (Bloomington, 2016) ва 2 та республика илмий-амалий конференциясида «Шарқ тиллари ва адабиёти фанларини ўқитиш методикасининг долзарб масалалари» (Тошкент, 2009); «Тилшуносликнинг долзарб масалалари» (Тошкент, 2015) анжумунларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 13 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети келтирилган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси қайд этилган.

Диссертациянинг I боби «**Турк тилида ҳурматни ифодаловчи морфологик воситалар**» деб аталиб, турк тилида ҳурматни ифодаловчи аффиксал морфемалар ва уларнинг грамматик-стилистик функциялари ҳақида сўз боради.

Мулоқот хулқи муаммосини миллий характер – миллатнинг ўзига хос урф-одати, қадрият ва анъаналарини ҳисобга олмай, ўрганиб бўлмайди. Мулоқот ахборотнинг мантиқий мазмунинигина эмас, балки сўзлаётган кимсанинг руҳий ҳолати, ҳиссиёти, истакларини ҳам ифодалаш мумкин. Бундай ҳолатларда тил ўзининг эмотив (эмоционал-экспрессив) функциясини бажаришга киришади<sup>5</sup>.

Турк тилида мулоқот жараёнидаги модал муносабат, асосан, *nezaket* термини билан ифодаланади.

*Nezaket* сўзи форс тилидан ўзлашган бўлиб, луғатлардаги маъноси шундай: 1. *Başkalarına karşı saygılı ve incelikle davranma, incelik, naziklik*. 2. *(Bir iş veya durum için) Önemli olma, dikkatli davranmayı gerektirme*<sup>6</sup> Ўзбекча маъноси: '1. Бошқаларга ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш, эътибор, илтифот кўрсатиш. 2. (Бирор иш ёки вазият учун) Аҳамиятли бўлиш, эътибор билан муносабат кўрсатиш'.

Турк тилидаги *nezaket* атамасининг муқобили бўлган *ҳурмат* лексемаси мулоқот жараёнидаги вербал ва новербал воситалар орқали амалга ошадиган модал муносабатларни акс эттиради. *Nezaket* тушунчасини акс эттирувчи *saygi, nazik, incelik, hürmet, itibar, ihtiram, sevgi, ilgi* лексемалари ижобий муносабатларни ифода этишда қўлланади. Мазкур терминлардан асосийси, кенг доирада қўлланадиган, услубий жиҳатдан бетараф бўлгани *nezaket* сўзидир.

Аффиксал морфемалар тилнинг энг кичик маъно англатувчи бирлиги бўлгани боис ҳурмат ифодалашда ўзига хос функционал хусусиятларни

<sup>5</sup>Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. –Т.: Фан, 2007. 21- б.

<sup>6</sup>Türkçe Sözlük 2, K-Z. – Ankara, Türk Tarih Kurumu Basım Evi, 1988. S.1085.

намоён этади. Ҳурмат маъносини ифодаловчи морфологик воситалар айнан қўлланилиш ўрнига кўра функционал жиҳатдан фаркланади.

Турк тилида ҳурмат маъносини ифодаловчи морфологик воситалар сифатида *-lar, -ler; -(i)niz, -(i)niz / -(u)nuz, -(ü)nüz; -m(-im, -im / -um, -üm); -r(-ar, -er, -ir, -ir / -ur, -ür)* қўшимчаларини келтириш мумкин. Бу қўшимчалар, уларнинг грамматик маънолари ҳақида адабиётларда маълумотлар берилган <sup>7</sup>. Аммо функционал хусусиятлари, услубий-семантик имкониятлари, ҳурматни ифодалашдаги ўрни ҳақидаги фикрлар, деярли, кузатилмайди. Шу боис, ушбу бобда мазкур қўшимчаларнинг функционал хусусиятлари, услубий имкониятлари, ҳурмат ифодалашдаги ўзига хосликлари борасида фикр юритилди.

Турк тилида *-lar / -ler* қўшимчаси ҳурмат тушунчасини ифодалашда энг фаол аффикс саналади.

– *Bayım, affetsinler; ben bu köpeği öldüremem, dedi* <sup>8</sup> ‘Ҳожам, кечиргайлар (кечиринг); бу кучукни ўлдиролмайман, – деди’.

Ушбу мисолда шахсга кўрсатилган ҳурмат унга тааллуқли буюм, ҳаракат ва ҳолатга ҳам қаратилган.

Турк тилидаги *-lar / -ler* қўшимчасининг ҳурмат ифодалашдаги ўзига хос томонларидан бири “тааллуқлилик, оидлилик” билдирувчи *-gil* қўшимчаси билан маълум ўринларда яқинлик ҳосил қилиб, сонда кўпликдаги ҳурмат маъносини “тааллуқлилик, оидлилик”даги ҳурматга тенглаштиришидир.

Турк тилида аффиксал морфемалар орқали ҳурмат ифодаланишининг асосида кўплик маъноси мавжуд. Ҳурмат маъносидаги *-lar, -ler* қўшимчаси негизида миқдор маъноси бўлса, *-iniz, -iniz/-unuz, -ünüz* қўшимчасида эса кўпликдаги шахс тушунчаси мавжуд. Масалан, касалга *Bügün nasılsın?* ўрнига яқинликни билдирувчи *Bügün nasılız?* шакли қўлланади. Сўзловчи ўзини тингловчи билан бирга ҳамдардлигини билдиради. Мана шу бутунлик, жам бўлиш кейинги босқич –“яқинлик”ни юзага келтиради. Айни яқинлик замирида, ҳурмат маъноси мавжуд. Бу ўринда шахс-сон шаклларида кўчиш кузатилади. Сўзловчи ўзини тингловчи билан бирга қўйиб, хайрихоҳлиги, ҳамфикрлиги, ҳамдардлигини изҳор этади.

Турк тилидаги *-m (-im, -im / -um, -üm)* аффикси ўз вазифасидан ташқари, баъзан ҳурмат, эркалалаш, улуғлаш маъноларини ифодалашга ҳам хизмат қилади. Асосан от ёки сифат туркумидаги сўзларга қўшилувчи ушбу аффикснинг ҳурмат ифодалашдаги вазифаси икки хил. Биринчиси, катта ёшдагиларнинг ўзидан кичикларга, мансаб ва лавозимидан қатъи назар, ҳурмат билдириши бўлса, иккинчиси, кичик ёшдагиларнинг ўзидан катталарга ҳурмат ифодалашидир.

---

<sup>7</sup>Korkmaz Z. Türkiye Türkçesi Grameri. Şekil Bilgisi.–Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, 2007. – S. 66; Ergin M. Türk Dil Bilgisi.–İstanbul: Bayrak Basım/Yayımlar/Tanıtım, 2008. – S.170; Gencan T.N. Dilbilgisi. –İstanbul: Fen Fakültesi (Döner Sermaye) Basımevi, 1971. – S. 215–218; Hengirmen M. Türkçe Dilbilgisi.–Ankara: Engin Yayınevi, 1995. – S. 281–283.

<sup>8</sup>Lagerlöf S. Bir Köpeğin Sonu. Bizim Okuma. – İstanbul: Remzi Kitabevi, 1992. – S.69.

... “*Hacı Kalfa*” diye seslendim.

*Sesin nereden geldiğini birden bire anlamıyarak durdu arabanın içinde beni görür görmez kollarını kaldırıp sokağın içinde avazı çıktığı kadar: “Vay, iki gözüm hocam!” diye bağırdı*<sup>9</sup> ‘... “Хожи Калфа” – дея чақирдим. Овознинг қаердан келганини бирданига англай олмай тўхтади, фойтун ичида мени кўрган заҳоти қўллари кўтариб, кўчада овозининг борича: “Вой, нури дийдам, ўзимнинг муаллимам!” – дея қичқирди’.

Лексик бирлик сифатида “göz” (CVC) бир бўғинли, от туркумига хос, туб сўздир. Лексик маъносига асосан тана аъзосининг номи. Қўлланилиш вазифасига кўра эса, ундалма. Ушбу göz ундалмасида семиотик нуқтаи назардан “азиз”лик хусусияти мавжуд. *-(ü)m* қўшимчаси сўзга қўшилиб, ўзининг бирламчи “эғалик” маъносини бутунлай эмас, қисман йўқотяпти. “Эғалик” маъноси ўрнини “ўзига яқинлик” асосидаги хурмат бўёғи эгаллайди. Матндаги *-(ü)m* морфологик бирлигининг шу тарзда қўлланилишида аффиксининг категориал вазифаси бўлган “оидлик, эғалик” маъноси сусайиб, “яқинлик, хурмат” маъноси юзага чиқади. Бу ерда хурмат ифодалашдаги асосий урғу сўзнинг лексик-семантик маъносига эмас, *-(ü)m* аффиксининг вазифаси “яқинлик, хурмат” маъносига юкланади.

Турк тилида категориал вазифаси ҳозирги-келаси замон маъносини ифодаловчи *-r(-ar, -er, -ir, -ir/ -ur, -ür)* қўшимчаси ҳам ўрни билан хурмат билдиради. Ҳозирги-келаси замон қўшимчаси саналувчи *-r(-ar, -er, -ir, -ir/ -ur, -ür)* билан боғлиқ материаллар шуни кўрсатмоқдаки, биринчидан, мазкур грамматик шакллар от ёки сифат туркумидаги сўзларга қўшилмайди. Асосан, феълнинг мураккаб шаклида учрайди. Хурмат маъноси “кўплик”, “яқинлик, тааллуқлилиқ, оидлик” асосида эмас, замон тушунчасидан англашилган “илтимос, ўтинч” мазмуни орқали реаллашади.

Диссертациянинг II боби «**Турк тилида хурмат ифодаловчи лексик-семантик воситалар**» деб аталиб, турк тилида хурмат ифодаловчи сўзлар семантикаси ва уларда хурмат категориясининг ифодаланиш даражаси, хурмат билдиришнинг ўзига хос усуллари ҳақида сўз юритилади.

Мулоқот жараёнида айрим сўзлар хурмат маъносини ифодалаш учун хосланади. Хурмат ифодаловчи лексик воситаларни фаоллиги ва маъносига кўра қуйидагиларга ажратиш мумкин: *кишилиқ олмошлари, қариндош-уруғчилиқ атамалари, хурматни ифодаловчи лексик бирликлар*.

Кишилиқ олмошлари коммуникацияда асосий ва етакчи восита сифатида хизмат қилади, мулоқот жараёнининг доимий таркибий қисмларидан ҳисобланади. Бундай ифода икки кўринишда намоён бўлади:

1. *Шахс кўчиши* ёрдамида хурмат ифодалаш. III. Сафаров шахс кўчишини *вазифавий кўчиш* деб номлайди<sup>10</sup>. 2. *Прономинализация* шаклида хурмат ифодалаш<sup>11</sup>.

<sup>9</sup> *Güntekin R.N. Çalıkuşu. – İstanbul: İnkılap Kitabevi, 1992. – S. 218.*

<sup>10</sup> *Сафаров III. Прагмалингвистика. – Т., 2008. 210- б.*

<sup>11</sup> *Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1985. 70- б.*

Мулоқотнинг бундай шаклини Ш. Сафаровнинг прагмалингвистикага оид куйидаги фикрлари орқали изоҳлаш мумкин: “...мулоқот одати, хатти-ҳаракатларнинг мавжудлигига сабаб ушбу миллат вакилларининг онгидаги “фрейм структура”да миллий маданиятга хос қобиқнинг мавжудлигидир. Этник-этик нормалар тўпланишидан ташкил топадиган ушбу қобиқ мулоқот стратегияси ва тактикасини бир хилда бошқариб борадиган коидалар туташадиган майдондир”<sup>12</sup>. Шунинг билан бирга, *ben* кишилик олмоши ўрнида шахс кўчиши билан қўлланиладиган *biz* олмошининг вазифасида *хурмат* ва *хурматсизлик* оппозицияси мавжуд. Оппозицияли хусусият фонетик (оҳанг, урғу) воситалар орқали фаркланади.

Турк тилида қариндош-уруғчилик атамаларини ҳурмат ифодалаш икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) қариндош-уруғларга ҳурмат ифодалаш; 2) қариндош бўлмаган кишиларга ҳурмат ифодалаш.

Катта ёшдагиларнинг ўзига *бегона бўлмаган* (айрим ҳолларда *бегона*) кичик ёшдагиларга қариндош-уруғчилик атамалари билан мурожаат қилиб ҳурмат кўрсатиши ҳам кузатилади.

Ҳурмат билдирувчи қариндош-уруғчилик атамалари семантикасидаги ҳурмат аксарият луғатларда қайд этилмаган. Шунга кўра, қариндош-уруғчилик атамаларини иккига ажратиш мумкин: а) луғатларда ҳурмат маъноси қайд этилган атамалар; б) луғатларда ҳурмат маъноси қайд этилмаган атамалар. Таъкидланганлар асосида қариндош-уруғчилик атамалари орасидаги ҳурматнинг тақдим этилишини учга ажратиш мумкин: а) оддий даражадаги ҳурмат; б) ўртача даражадаги ҳурмат; в) юқори даражадаги ҳурмат. Турк тилидаги қариндошликни англаувчи *каунана* <*kayın ana* = *kayınvalide* = *hanım anne* ва *valide* = *valide hanım* = *valide sultan* лексик birlikлари семантикасига кўра ўзига хос лексик-стилистик парадигмани ташкил этади.

№	Қариндош-уруғчилик атамаларида ҳурматнинг ифодаланиш даражаси	Лексик birlikлар	
1	Оддий ҳурмат	<i>valide</i>	<i>kaynana</i> < <i>kayın ana</i>
2	Ўртача ҳурмат	<i>valide hanım</i>	<i>kayın valide</i>
3	Юқори даражадаги ҳурмат	<i>valide sultan</i>	<i>hanım anne</i>

Тўпланган материаллар таҳлили турк тилида отанинг эгачиси ёки синглиси саналувчи, араб тилидан ўзлашган *hala* (*амма*) қариндош-уруғчилик атамасининг ҳурмат ифодалашдаги вазифада келмаслигини кўрсатади.

<sup>12</sup>Сафаров Ш. Прагмалингвистика. 267- б.

Хурмат билдирувчи фаол лексик бирликлар сифатида куйидагиларни келтириш мумкин: *hanım, efendi, bay, bayan*. Хурмат категориясида “аёл” маъносини ифодаловчи *hanımefendi, hanım, bayan, kadın, hatun, karı* сўзлари синонимик қаторни ташкил этади. Тартибланиш ҳолатига кўра улардаги хурмат даражаси энг юқоридан нейтрал даражага қараб пасайиб боради.

Ҳозирги мулоқот жараёнида *hatun* сўзига қараганда *kadın* янада кенгроқ доирада ишлатилмоқда. Турк олими С. Чағатай, кейинги йилларда *hanım* сўзининг *hatun* сўзидан ҳам пастроқ даражада ишлатилаётганлигини таъкидлайди<sup>13</sup>. Ушбу синонимик қаторнинг қўлланиш градуонимиясини *kadın*→*hatun*→*hanım* тарзида бериш мумкин.

*Efendi* сўзи “киши, эркак, одам” маъноларида қўлланиб, хурмат ифодалайди. Унда сўзловчининг тингловчига нисбатан нейтрал муносабатини ифодаловчи “киши, эркак, одам” маънолари *efendi* сўзи ёрдамидаги хурмат, эмоционал-экспрессив бўёқ орқали намоён бўлади.

Турк тилида расмий услуб ва ёзишмаларда, расмий муносабатда *bay* ва *bayan* сўзлари кенг қўлланади. *Bay* ва *bayan* асл туркий сўзлар бўлиб, XX асрнинг биринчи ярмида турк тилида ўтказилган тил ислоҳотидан кейин уларнинг истеъмол доираси кенгая борди.

Турк тилида айрим лексик бирликлар хурматнинг паралингвистик ифодасини акс эттиради. “Одамлар сўзлар орқали мулоқот қилишни ўрганганларида, улар ўзларининг аввалги жестлар билан боғлиқ тилини унутиб юбормади. Мулоқотнинг янги тури – сўзлашув ва эшитиш – унинг эски тури саналган – кўрсатиш ва кўриш билан биргаликда бир-бирини тўлдириб боради”<sup>14</sup>.

Хурматнинг ҳаракат (имо-ишора, жест, мимика)лар орқали ифодаланишини “расмий” ва “норасмий хурмат” тарзида иккига ажратиш мумкин.

Турк тилида ҳаракатлар орқали хурмат ифодаловчи *nezaket ziyareti* расмий доираларда қўлланадиган хурмат турларидан биридир. Профессор А. Қосимов турк тилидаги *nezaket ziyareti* терминини ўзбек тилида *протокол ташрифи* деб номлаб, куйидагича ёзади: “Протокол ташрифи алоҳида эҳтиром ифодаси бўлиб, унда айрим муҳим масалаларни ҳал қилиш кузатилмайди”<sup>15</sup>.

Мулоқотдан ташқарида ёки маълумотларни етказиш жараёнида паралингвистик воситалар муайян тил имкониятлари орқали ифода этилади. Шу жиҳатдан ёндашиб, паралингвистик воситаларни ифода этувчи бирликлар куйидагича таснифланди:

*Бош ишораси билан боғлиқ паралингвистик ҳаракатларда ифода*

---

<sup>13</sup>Çağatay S. Türkçe’de ‘Kadın’ İçin Kullanılan Sözcükler // Prof.Dr. Saadet Çağatay’ın Yayınlanmış Tüm Makaleleri. – C.1, S. 92.

<sup>14</sup>Фолсом Ф. Книга о языке, – М.: Прогресс, 1974. – С. 35.

<sup>15</sup>Қосимов А.М. Дипломатия асослари. – Т.: ТошДШИ, 1996. 45- б.

этилган ҳурмат. Инсон ўзаро муносабатда бош ҳаракати билан тасдиқ, инкор, норозилик, маъқуллаш, саломлашиш, хайрлашув, уялиш, шулар қатори, ҳурматни ҳам ифодалайди.

Турк тилида *baş* сўзи ҳурмат маъносини ифодаловчи қуйидаги ибораларнинг юзага келишига асос бўлган: *baş eĝmek* ‘таъзим қилмоқ’, *baş kesmek* ‘салом бермоқ’, *baş tacı* ‘қимматли, қадрли, ҳурматли’, *baş üstünde tutmak* ‘ҳурмат кўрсатиш’, *baş üstünde yeri olmak* ‘ҳурматга лойиқ’, *başına tac etmek* ‘қадрлаб ҳурмат кўрсатиш’, *başta taşımak* ‘ҳурмат қилиш, қадрлаш’. *Baş selamı* ҳам антонимик (саломлашиш, хайрлашиш), ҳам синонимик (*baş selamı, baş işaretini, baş eĝmek, baş kesmek*), ҳам омонимик (саломлашиш, таъзим кўрсатиш, рухсат сўраш, хайрлашиш) семантик муносабатларини ифода этади.

Қўл ишорати билан боғлиқ паралингвистик ҳаракатларда ифода этилган ҳурмат. Турк тилида қўл = *el* сўзи билан боғлиқ ҳурмат маъносини билдирувчи бир қанча иборалар бор: *el pençe divan durmak, el üstünde tutmak, el bağlamak, el öpmek* каби. Фактик материалларга асосланиб, ҳурматни ифодаловчи *el öpmek* аъъанасини уч хил тушуниш мумкин: 1) паралингвистик восита; 2) маросим ёки тантана; 3) рамз ёки белги сифатида. Учала ҳолатда ҳам ҳурмат тушунчаси асосий ўрин тутди. *El öpmek* бирикмаси ҳурматни ифодаловчи мақолларнинг юзага келишига ҳам асос бўлган. Масалан: *El öpmekle ağız aşınmaz* ‘Ҳурмат қилсанг, кам бўлмайсан’; *Öpülecek el ısırılmaz* ‘Ҳурматга лойиқ кишига ҳурматсизлик қилинмайди’; *Veren eli her kez öper* ‘Саҳий кишини ҳамма ҳурмат қилади’ = ‘Берган ҳаммага ёқибди’<sup>16</sup> сингари.

Турк тилидаги *el öpmek* сингари ритуал хусусиятга эга бўлган *temenna etmek* ҳаракати ва ибораси ҳам катталарга ҳурмат, эътиборнинг белгиси, рамзи саналади. Тилда ва кинетикада зид ҳолатни ташкил этган *temenna etmek* ибораси синонимик вариантларга ҳам эга: *temenna etmek = kandilli selam = kandilli temenna = yerden selam = yerden temenna*<sup>17</sup>.

Гавда ҳаракати билан боғлиқ паралингвистик тарзда ифода этилган ҳурмат. Турк тилида ҳурмат ифодаловчи паралингвистик восита *eĝilmek* ‘эгилмоқ’ феълига синоним бўлган қуйидаги феъл ва иборалар ҳам мавжуд. Уларда жойлашган ўрнига кўра ҳурмат ифодалаш даражаси ортиб боради: *eĝilmek* ‘эгилмоқ’ = *yer öpmek*<sup>18</sup> ‘улуғларнинг ёнида эгилиш’ = *yükünmek*<sup>19</sup> ‘ергача эгилмоқ’ = *yerlere kadar eĝilmek*<sup>20</sup> ‘юқори даражада ҳурмат кўрсатиш’.

Йиғилган мисоллар асосида ҳурмат билдирувчи паралингвистик

<sup>16</sup> Atasözleri ve deyimler sözlüğü. I. Atasözleri sözlüğü, Aksoy O.A. – İstanbul: İnkılap Yayınevi, 1971. – S. 223, 332, 372.

<sup>17</sup> Türkçe Sözlük 2, K-Y. – S. 779, 1622- б., www.sözlük.bilgiportal.com

<sup>18</sup> Ўша китоб. – S. 1621.

<sup>19</sup> Ўша китоб. – S. 1652.

<sup>20</sup> Ўша китоб. – S. 1623.

воситалар мазмунини ифодаловчи бирликларни турк тилида *тўғридан-тўғри ҳурмат ифодалаш; мулоқот жараёнидан ташқарида ҳурмат ифодалаш; воситали ҳурмат билдириш* каби турларга ажратиш мумкин.

